



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 4 февраль, № 23 (9194)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## УРБАНИЗАЦИЯ ВА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 3 февраль куни урбанизация ва уй-жой қурилишида янгича ёндашувларни жорий этиш юзасидан тақдимот билан танишди.

Аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида сўнгги 8 йилда мамлакатимизда 120 миллион квадрат метр ёки 600 мингдан зиёд хонадонлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уй-жой сотиб олишга кўмаклашиш учун 541 минг нафар фуқарога 103 триллион сўм арзон ипотека кредитлари ва субсидиялар ажратилди.

Қурилиш ишларининг кўлами кенгайгани қурилиш материаллари саноати ривожига катта туртки бериб, кўплаб ҳудудларнинг драйверига айланди. Урбанизация даражаси 1991 йилдаги 40,3 фоиздан 51 фоизга етди.

Давлатимиз раҳбари қилинган ишлар ҳали етарли эмаслигини кўрсатиб ўтди. Республика бўйича ҳар йили 200 мингтага яқин янги оилалар ташкил топмоқда. Бу янги уйлар, йўللар ва ижтимоий инфратузилмага талаб янада ортади дегани. Қолаверса, ҳозирда аҳолининг бир киши бошига ўртача 18,9 квадрат метр тураржой майдони тўғри келмоқда. Бу кўрсаткичи камида 23 квадрат метрга етказиш учун 2040 йилгача янги уй-жой қурилиши суърати 280 мингтага ошириш лозим.

Шу мақсадда урбанизация соҳасида бошқарув янги тизим асосида йўлга қўйилиб, алоҳида кўмита тузилди, унинг олдида уй-жой қуриш ҳажмларини бошқариш мақсадида бошқариш вазифаси қўйилди. Хусусан, 2026 йилда 140 минг, 2027 йилда 150 минг, 2028 йилда 160 минг хонадонли уй-жойлар қуриш режалаштирилган.

Президентимиз бизнес ва стартаплар ривожини унвон шариоит яратиш, саноат ва АТ кластерларини шакллантириш, меҳнат унвондорлигини оширишда ақл билан ташкил этилган урбанизация муҳим ўрин тутганини таъкидлади.

Тақдимотда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Халқаро ташкилотларнинг ҳисоб-китобларига кўра, аҳоли пунктлари тартибсиз кенгайиб бориши айрим ҳудудларда келгусида экин ерларининг танқислигига олиб келиши мумкин.

Шу муносабат билан эскирган уй-жой фондиди янгилаш, уй-жой қурилишида реновация улушини ошириш зарурлиги таъкидланди. Бунда реновация ҳиссасини ҳозирги 15 фоиздан 2040 йилга қадар 60 фоизга етказиш, "Янги Ўзбекистон" масивларини барпо этишни кенгайтириб, 120 тага етказиш зарурлиги қайд этилди.

Бугунги кунда қурилиш соҳасидаги руҳсат олиш жараёни 9 та босқичдан иборат бўлиб, ўртача 90 — 120 кун вақт талаб қилмоқда. Шу билан бирга, халқаро амалиётда "қурилишга тайёр ер" механизми орқали бу ишларга кетадиган вақт 7 — 15 кунни ташкил этаётгани кўрсатиб ўтилди.

Мамлакатимизда ушбу тизимни жорий этиш тақлиф қилинди. Унга кўра, барча тайёргарлик жараёнлари ва руҳсатнома ларни расмийлаштириш ер майдонлари аукционга қўйилишдан олдин бажарилади. Натижада тадбиркор аукционда ерни ютиб олгандан

сўнг қўшимча ҳужжат йиғмасдан ва келишувлардан ўтмасдан, барча ҳужжатларни автоматик тарзда олиш имконига эга бўлади. Қурилишга тайёр бўлмаган ерларни аукционга чиқариш таққиланади, жараёнлар эса шаффоф ва қисқа муддатларда амалга оширилиши таъминланади.

Қурилиш сифати, биринчи навбатда, лойиҳа ҳужжатларига боғлиқ. "Тошкентбошлангити", "Ўзгашқалипти", "Кишлоққурилишлойиҳа" ташкилотларининг фаолиятини тубдан яхшилаш, бунинг учун юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш ва замонавий бошқарув тизимини жорий қилиш зарурлиги қайд этилди.

Урбанизация ва уй-жой қурилиш жараёнларини тўғри ҳамда самарали режалаштириш учун рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш керак. Бу борада тақдимотда бош ва мастер режаларнинг ягона маълумотлар базаси, қурилишга тайёр ер майдонлари базаси — "Ер банки", кўп квартиралы уйларнинг ягона геоахборот базаси, "эскроу" тизими, қурувчилар рейтингини ва бошқалардан иборат "Уй-жой" ахборот тизимини ишлаб чиқиш тақлиф этилди.

Президентимиз тақдимот этилган тақлифларни маълумлаб, соҳада режалар, ҳисоб-китобга асосланган ва узоқ муддатли ёндашувларни изчил жорий этиш, белгиланган кўрсаткичлар ижросини таъминлаш юзасидан мутасаддиларга тегишли топшиқлар берди.

## СУВ РЕСУРСЛАРИДАН Фойдаланиш самарадорлиги янада оширилади

Президент Шавкат Мирзиёев сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш ҳамда сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш юзасидан тақдимот билан танишди.

Бугунги кунда мамлакатимизда сув тежовчи технологиялар жорий қилинган майдонлар 2,6 миллион гектарга ёки суғориладиган ер майдонларининг 60 фоизига етди. Таққослаш учун, 2017 йилгача республикамизда сув тежовчи технологиялар жорий қилинган майдонлар жами 19 минг гектарни ташкил этар эди. Мазкур ишлар натижасида ҳар йили 2,5 миллиард кубометр сув тежаланишга эришилмоқда.

Бугунги тақдимотда бу борадаги ишлар камровини янада кенгайтириш бўйича ишланган янги тақлифлар кўриб чиқилди.

Жумладан, 2028 йилга қадар сув тежовчи технологияларни 930 минг гектар ерда ўрнатиб, бундай майдонларни 3,5 миллион гектарга ёки жами суғориладиган ерларнинг 80 фоизига етказиш режалаштирилган. Натижада ҳар йили 3,5 миллиард кубометр сувни иқтисод қилиш, 300 минг гектар ернинг сув таъминотини яхшилаш ва тақрорий экинларни суғориш имконияти яратилади.

Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш орқали тежалган сув ресурслари сув таъминоти оғир ҳудудда жойлашган фермерларга кафолатли етказиб берилишига замин яратилади.

Бунинг учун қишлоқ хўжалиги мақсулотларини етиштиришда сув тежовчи технологияларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувват-

лашнинг янги механизмлари қўлланади.

Хусусан, сув ресурслари учун солиқ ставкаси ва субсидиялар миқдорини ер майдонларининг сув билан таъминланганлик ҳолатидан келиб чиқиб белгилаш тақлиф қилинди. Масалан, сув билан барқарор таъминланмаган ҳудуддаги суғориладиган ер майдонларидан сув тежовчи технологиялар жорий қилинганда, ажратиладиган субсидияларга 1,25 оширувчи коэффициент қўлланган ҳолда ҳисобланади.

Шунингдек, сув тежовчи технологияларни банк кредитларини олмадан ўз маблағлари ҳисобидан ишга туширадиган ташаббускорларга субсидия ажратишнинг янги тизими жорий этилади. Бунда тегишли лойиҳа-смета ҳужжатлари ва лойиҳани амалга ошириш бўйича таъминотчи қорғона билан тузилган шартнома асосида субсидия маблағларининг 50 фоизи Аграр соҳада тўловлар агентлиги томонидан олдиндан ажратилади.

Эндиликда бошоқли дон экинларини етиштиришда томчилатиб ва дискрет суғориш технологияси жорий қилинган майдонлар учун ҳам субсидия берилади.

Сув тежовчи технологияларни харид қилиш ва қуриш мақсадида тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар бўйича фоизларни қисман қоплаб бериш йўлга қўйилди. Ғўза майдонларидан томчилатиб суғориш технологияси жорий қилиш учун кредит

маблағлари ҳар йил ноябрь ойидан бошлаб ажратилади.

Сув тежовчи технологияларни қуриб берган лудрат ташкилотлари ҳар бир лойиҳага камида 2 йиллик кафолат муддати бериши ҳамда 5 йил давомида сервис хизматларини кўрсатиши мажбурий этиб белгиланади.

Соҳада давлат назоратини такомиллаштириш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Сув олиш жойларида сувни бошқариш ва ҳисобини юритишни такомиллаштириш мақсадида шол етиштириладиган ҳамда балиқчилик хўжалиқлари ташкил қилинган ер майдонларида "ақлли" сув ўлчаш ва ҳисоблаш воситалари ўрнатилади. Улар "Сув ҳисоби" ахборот тизимига интеграция қилинади.

Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бўлинмаларида сув тежовчи технологиялардан ҳамда сувдан фойдаланишни мониторинг қилиш бўлиминини ташкил этилади.

Тадбиркорлик субъектларида инспекция томонидан ўтказиладиган текширувларни ёнқамарлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш тартиби жорий этилади. Инспекцияга қишлоқ хўжалиги экин майдонларида сувдан фойдаланиш ва сув исрофини мониторинг қилиш мақсадида дронлардан фойдаланишга руҳсат берилади.

Шу билан бирга, ўрнатилган сув тежовчи технология-

лардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш зарурлиги қайд этилди. Сув тежовчи технологиялар жорий қилинган ва субсидия ажратилган ер майдонлари бундай технологиялар ёки уларнинг асосий қисмларини ишлатмасдан, аънанвий усулда суғориш сувдан ўзбошимчилик билан фойдаланиш деб баҳоланади.

Фермерларнинг сув тежовчи технологияларни жорий этиш соҳасидаги манфаатларининг ҳимоясини кучайтириш мақсадида "Сувхўжаликназорат" инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан сув тежовчи технологияларни ўрнатиш билан боғлиқ масалалар юзасидан судларга даъво аризаларини киритишда давлат божидан озод қилиш тақлиф этилди.

Соҳада кадрлар салоҳиятини ошириш — долзарб масала.

Тақдимотда илгор хорижий тажрибани инobatга олган ҳолда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш юзасидан режалар ҳақида ҳам ахборот берилди. Жумладан, "Сувчилар мактаби" лойиҳаси доирасида жорий йилда 10 мингта фермер хўжалиги ходимларининг малакаси оширилади, 358 нафар сув хўжалиги ходими малака ошириш учун хорижга юборилади.

ЎзА.

### Эътироф

## Янги Ўзбекистоннинг прагматик минтақавий сиёсати

натижасида Марказий Осиёнинг геосиёсий ва геоиқтисодий аҳамияти сезиларли даражада ошди

Исломободда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси ва мамлакат халқига Мурожаатномаси мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Баҳромжон Аълоев, мамлакатимиз элчиси Алишер Тўхтаев, Покистоннинг етакчи таҳлил марказлари, ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари, экспертлар, сиёсатшунослар, профессорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Давра суҳбатида иштирокчилар сўнгги 7-8 йил ичида Ўзбекистонда барча соҳада амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар бевосита Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси, узоқни кўра билишга асосланган стратегик ёндашуви ҳамда давлат тараққиётини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган изчил раҳбарлиги натижаси эканини алоҳида таъкидлади.

Покистонлик сиёсий доиралар ва экспертлар фикрича, Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистонни барпо этиш госясининг асосий ташаббускори ва архитектори сифатида мамлакатни чуқур трансформация йўлидан олиб ўтиб, уни очик, рақобатбардор ҳамда барқарор ривожланиётган давлатга айлантиришга қаратилган ислохотларнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Сайед Халид Амир ЖАФРИЙ, Жанубий Осиё ва халқаро тадқиқотлар таҳлил маркази директори:

— Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига йўлланган Мурожаатномада хавфсизлик, иқтисодий модернизация ва минтақавий ҳамкорлик барқарор ривожланишнинг ягона тизимини қандай шакллантираётгани ҳақида аниқ таҳлиллар келтирилган.



## Иордания ҳошимийлар подшоҳлиги парламенти делегацияси юртимизда

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг тақлифига биноан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги парламенти Мажлиси ал-Аъян Раиси Файсал Акиф ал-Файез бошчилигидаги делегация мамлакатимизга расмий ташриф билан келди.

### Ташриф

Меҳмонларни Тошкент халқаро аэропортида Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси А. Аъзамхўжаев кутиб олди.

Ташриф доирасида Иордания делегацияси аъзолари "Янги Ўзбекистон" боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйиш маросимида иштирок этди.

Шунингдек, Файсал Акиф ал-Файез бошчилигидаги делегациянинг Олий Мажлис палаталари раҳбарлари билан учрашувлари ва икки мамлакат ўртасидаги парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиши кўзда тутилган.

Шу билан бирга, қўҳна Самарқанднинг тарихий ва меъморий обидаларига ташриф ҳам режалаштирилган.

«Халқ сўзи».

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## Аҳоли манфаатлари устуворлиги ва тараққиётимиз кафолати

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда аҳолига сифатли тиббий хизматлар кўрсатишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, самарали пробация назоратини ташкил қилиш, Маданий мерос агентлиги ваколатларини ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаш, ҳайвонот дунёси муҳофазаси ҳамда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш чораларини кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

### Самарали пробация назорати ташкил этилади

Мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар устидан назорат қилиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғри-

сида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда пробация назоратида бўлган шахсларда қонунга риоя қилиш маданияти, ижтимоий ахлоққа ҳурмат руҳини шакллантириш йўналишида тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.




2026 йилда 14 миллиард долларлик 228 та янги йирик қувват ишга туширилади.

Масалан, Навоийдаги олтин конларида маъдан қазиб олиш бўйича 320 миллион долларлик лойиҳа (3-навбати) ишга туширилиб, қўшимча 2 миллион тонна маъдан қайта ишланади.

шунингдек, "Мурунтов" конини ўзлаштиришнинг навбатдаги босқичи ҳамда қумуш конлари бўйича 2 миллиард 300 миллион долларлик йирик лойиҳалар амалга оширилади.

натижада йилига 18 миллион тонна маъдани қайта ишлаш қуввати барпо этилиб, 2030 йилгача олтин ишлаб чиқариш ҳажми 175 тоннага етказилади.

Яна бир йирик лойиҳа — Олмалиқ комбинатиде қиймати 2 миллиард 700 миллион доллар, қуввати 300 минг тонна мис катодидан иборат бўлган янги металлургия мажмуасини барпо этиш бошланади.



### ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан.





# ТЕХНОЛОГИЯНИ ИНСОН ЯРАТАДИ

## БОШҚАРИШ ҲАМ УНИНГ ҚЎЛИДА

Бугун дунё илм-фани ва таълим тизими туб бурилиш оstonасида турибди. Сунъий интеллект (СИ) энди келажак ҳақидаги гоё эмас, балки ҳаётимизга чуқур кириб келган восита. Айниқса, олий таълим соҳасида СИ янги имкониятлар эшигини очмоқда. Эндиликда асосий савол сунъий интеллектдан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик ҳақида эмас. Масала уни қандай тарзда, қайси мақсадда ва қай даражада жорий этишда. Чунки технология тараққиёт воситаси бўлиши мумкин, аммо у маънавият ва масъулиятдан устун бўла олмайди. Бинобарин, СИ маълумот билан ишлайди, инсон эса қадрият, ахлоқ ҳамда руҳиятни шакллантиради. Шу боис амалда технология инсонни эмас, инсон технологияни бошқариши лозим.

### Мулоҳаза



XXI асрга келиб сунъий интеллект таълим тизимида чуқур трансформация жараёнини бошлаб берди. У энди фақат технология воситаси эмас, балки таълим стратегияси, мазмуни ҳамда услубларини ўзгартирувчи асосий ўзакка айланмоқда. Бугун дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари СИни жорий этиш билан бирга, унинг этикаси, тартиб-қоидалари ва масъулиятли қўлланилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бу борада ЮНЕСКО, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ), Жаҳон банки ҳамда нуфузли таҳлил марказлари сунъий интеллектнинг таълимга таъсири, имкониятлари ва хавфларини тизимли ўрганиб келмоқда. Хусусан, ЮНЕСКО ўтказган сўров натижаларига кўра, олий ўқув юр்தларининг катта қисми СИ бўйича махсус йўриқномаларга эга ва уларни мунтазам тақомиллаштириб бормоқда. Бу эса СИ интеграцияси институционал даражада тез суръатларда ўсиб бораётганидан далолат беради.

Жаҳон банки таҳлиллари кўра, “сунъий ақл” платформалари мактаб ва олий таълимда маъмурий вазифаларни автоматлаштириш орқали ўқитувчиларнинг юқини камайитириш, талабаларнинг ўқиш натижаларини яхшиламоқда. Айниқса, масофавий таълим ҳамда ресурслари чекланган худудлар учун бу технология катта имконият эшигини очмоқда. Халқаро иқтисодий прогнозларга кўра, СИ технологиялари келгусида ҳам жаҳон иқтисодиётига салмоқли ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса таълим ва инсон капитали соҳалари стратегия аҳамиёт касб этаётганини яққол намоён қилади.

Жаҳон банки таҳлиллари кўра, “сунъий ақл” платформалари мактаб ва олий таълимда маъмурий вазифаларни автоматлаштириш орқали ўқитувчиларнинг юқини камайитириш, талабаларнинг ўқиш натижаларини яхшиламоқда. Айниқса, масофавий таълим ҳамда ресурслари чекланган худудлар учун бу технология катта имконият эшигини очмоқда. Халқаро иқтисодий прогнозларга кўра, СИ технологиялари келгусида ҳам жаҳон иқтисодиётига салмоқли ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса таълим ва инсон капитали соҳалари стратегия аҳамиёт касб этаётганини яққол намоён қилади.

### Таълимда СИ: имкониятлар билан бирга хавфлар ҳам мавжуд

Бугун индивидуаллаштирилган таълим шаклланимоқда. Талабанинг билим даражаси, қизиқиши ҳамда ўқиш суръати таҳлил қилиниб, шахсий ўқув йўналиши автоматик равишда шаклланади. Жаҳон тадқиқотлари бундай ёндашув таълим самардорлигини сезиларли ошираётганини кўрсатмоқда.

Бугун замонавий олий таълим қозғолар устидаги аънавий билим бериш моделидан чиқиб, марказида инсон бўлган, рақамли интеграциялашган ва глобал ҳамкорликка асосланган форматга ўтмоқда. Таълим тизими технология (СИ, катта маълумотлар), инсон капитали (ижодий фикрлаш, мослашувчан кўникмалар) ҳамда институционал инновация (университет — саноат интеграцияси) каби уч таянч устунга суянади. ИХТТ экспертлари фикрига кўра, олий таълимнинг асосий вазифаси энди фақат билим бериш эмас, балки янги билим яратишдан иборат.

### Халқаро тажриба ва миллий амалиёт

Бугунги кунда жаҳон университетлари гибрид — онлайн ва офлайн таълимни уйғунлаштирган “Flexible Learning Systems” моделларини кенг қўлламоқда. Шунингдек, “Open Access Lifelong Learning” ёндашуви, яъни бутун умр давомида таълим олиш гоёси устувор аҳамиёт касб этмоқда. Масалан, Финляндия таълим тизимида бу модель муваффақиятли жорий этилган. “Learning Analytics”, яъни таълим таҳлили ва СИ интеграцияси орқали ўқув жараёнига рақамли таълим тизимида бу модель муваффақиятли жорий этилган. “Learning Analytics”, яъни таълим таҳлили ва СИ интеграцияси орқали ўқув жараёнига рақамли таълим тизимида бу модель муваффақиятли жорий этилган.

Бироқ барча университетларда рақамли инфратузилма, профессор-ўқитувчиларнинг рақамли саводхонлиги ва сунъий интеллектни қўллашга тайёрлик даражаси бир хил эмас. Шу боис технологияни қўллаш жараёнида инсон омили — тарбия, маънавият ҳамда ижодий фикрлашни назардан четда қолдирмаслик айни муддаодир.

### СИ ўқитувчининг ўрнини эгаллайдими?

Кейинги пайтларда одамлар орасида “Сунъий интеллект ўқитувчи ёки университет ўрнини эгаллайдими?” деган савол кўп муҳокама қилинаётган мавзулардан бирига айланди. Аниқ жавоб шуки, асло.

Айтиш жоизки, таълимда СИнинг имкониятлари билан бирга, хавфлари ҳам бор. Жумладан, “hallucination”, яъни нотўғри ёки далилсиз маълумот бериш хавфи. ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар таълимда СИдан фойдаланганда ҳам фактчекнинг ҳамда манбаларни кўрсатиш маданиятига риоя қилиниши лозимлигини алоҳида уқтирмоқда.

ва кодгача бўлган материаллардан қисқа вақтда тайёрлаш имконияти мавжуд.

Бироқ сунъий интеллект инсон тафаккури ҳамда ижодий қобилиятини тўлиқ такрорлай олмайди. У мавжуд маълумотга таянади, янги гоёни ички ҳиссиёт ҳамда ҳаётий тажриба асосида яратиш инсонга хос жараён. Олий таълим эса фақат маълумот бериш эмас, балки инсон капиталини тарбиялаш, ахлоқий қадриятларни шакллантириш, жамоада ишлаш ва етакчилик кўникмаларини ривожлантириш маскандир.

Лаборатория, амалий тажриба ва жонли мулоқот ҳам сунъий интеллектнинг асосий чекловидир. Муҳандислик, тиббиёт, аграр ва саноат соҳаларида амалий машғулотлар инсон иштирокисиз самара бермайди. Шунингдек, университет муҳити фикр алмашиш, баҳс-мунозара, фикрлар тўқнашуви, жамоавий тажриба орқали шаклланидиган ижтимоий макондир. Бу муҳитни сунъий интеллект ярата олмайди.

Сунъий интеллект олий таълим ўрнини босолмайди, балки уни трансформация қилади. Педагогик жараённинг 40 — 60 фоизга яқинини, яъни тест тузиш, баҳолаш, таҳлил, контент тайёрлашни автоматлаштирилади. Бу эса ўқитувчи талаба билан ишлаш, тарбия ҳамда ижодга кўпроқ вақт ажратishi имконини беради.

Аёнки, университет — жисмоний ва ақлий ривожланиш макони. Сунъий интеллектнинг вазифаси инсонга кўшимча куч бериш, унинг ўрнини эгаллаш эмас. У ўқитувчининг рақиб ҳам эмас, балки ёрдамчиси. Университет эса жамиятнинг интеллектуал таянчи сифатида ҳар доим инсон ақли, ахлоқи ҳамда масъулиятига суянади.

Бугун СИ олий таълим жараёнининг деярли барча босқичига — дарс режалаштиришдан тортиб, баҳолаш ва бошқарув тизимигача кириб келди. У таълимни самарали ташкил этиш, талабаларга индивидуал ёндашувни таъминлаш ҳамда академик жараёнларни тезлаштиришда муҳим воситага айланиб бораётган тартиб, тақдирот, эссе

Таълимдаги орғилки муаммолардан бири — баҳолаш жараёнининг инсон омилига боғлиқлиги, вақтнинг кўп сарфланиши ва субъективлик хавфи эди. Сунъий интеллект бу соҳада инқилобий ечим тақдир қилмоқда: баҳолаш тизими бир неча баробар ошадди, адолат ҳамда шаффоқлик таъминланди. Энг муҳими, талаба ўз хатосини дарҳол кўриб, уни тўзатиш имкониятига эга бўлади.

Шунга қарамай, СИ ҳамма ишни қила олади, деган қараш нотўғри. Ижодий фикр талаб қиладиган ишлар, ахлоқий ҳамда маънавий мазмундаги саволларга чуқур, инсоний жавоб бериш ҳали-ҳануз одам тафаккурига боғлиқ.

Муҳаммадсидик АМОНОВ, Халқаро Нордик университети проректори, профессор.

## МАДАНИЯТ

### янгиликлари

### Тегра лойиҳаси нухасини бошқа шахсларга тақдим этиш мумкинми?

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқий тартиб-таомилларни янада тақомиллаштириш мақсадида моддий маданий мерос объектларининг қўриқланадиган тегра лойиҳаси нухасини бошқа шахсларга тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низоом тасдиқланди.



Президентимизнинг тегишли фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарори ижросини таъминлаш доирасида қабул қилинган ушбу янги низоомга мувофиқ, лойиҳа нухасларини олиш бўйича мувожаатлар уч иш куни ичида кўриб чиқилади ва бепул тақдим этилади.

Мазкур механизм маданий мерос объектлари худудларида ноқонуний қўрилиш ҳолатларига чек қўйиш, рақамли реестр юритиш ва тизимли назорат ўрнатишга кўмаклашади. Ишлаб чиқилган низоом маданий мерос объектлари муҳофазасида тартиб-интизом ҳамда шаффоқлиқни таъминлаб, худудларда руҳсатсиз қўрилиш ҳолатларини қисқартиришга хизмат қилиши кутилмоқда.

### «Маржон оҳанглари» заргарлик санъати кўргазмаси



Ўзбекистон амалий санъат ва унгармандчилик тарихи давлат музейида «Маржон оҳанглари» номли Бухоро ва Самарқанд заргарлик санъати кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Унда музей фондига оид, икки тарихий шаҳарга хос аънавий заргарлик услублари, қимматбаҳо тошлар билан безатилган миллий тақинчоқлар ҳамда либосларга мос безак буюмлари намоий этиляпти.

Таъкидлаш жоизки, Бухоро ҳамда Самарқанд заргарлик санъати аънавалар, замонавийлик ва ноёб нақшлар уйғунлиги билан ажралиб туради. Самарқанд заргарлиги Ўрта Осиё заргарлик санъатининг муҳим марказларидан бири бўлиб, ўзига хос нақшлар (геометрик, ўсимлик) ва тусга эга.

10 февралга қадар давом этадиган ушбу кўргазма ёшлар ҳамда хорижий сайёҳларга катта таассурот уйғотмоқда. У миллий заргарлик санъати тарихини, унгармандчилик аънаваларини асраш ва ёш авлодга етказишга хизмат қилади.

### Янги спектакль — «Ёпиқ эшиклар ортида»



Ўзбекистон давлат ёшлар театрида француз драматурги Жан-Поль Сартр асари асосида саҳналаштирилган «Ёпиқ эшиклар ортида» янги спектакли устида иш олиб борилмоқда.

Режиссёр Амал Сейд-Оғли бошчилигида саҳналаштирилган «Ёпиқ эшиклар ортида» спектаклида сўзлар, паузалар ва қаҳрамонларнинг ички ҳолатлари алоҳида аҳамиёт касб этади.

Харакатлар диалог ҳамда нозик психологик вомеаларга асосланган бўлиб, актёрлардан ҳушёрлик ҳамда аниқ ҳаракатларни талаб қилади.

«Халқ сўзи».

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ: ИЛМ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ



Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан соҳа вакиллари иштирокида ўтказилган учрашувда берган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида Жиззах вилоятида Мирзачўл инновацион қишлоқ хўжалиги Азамат мактаби фаолияти йўлга қўйилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги, Фермерлар кенгаши, Тошкент давлат аграр университети ҳамда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази вакиллари қатнашди.

### Хабар



Таъкидланганидек, биринчи босқичда Мирзачўл, Дўстлик ва Арнасой туманларининг 100 нафардан ортиқ фермерлари учун махсус 40 соатлик ўқув курсига старт берилди. Ўқув жараёни яқини орадаги профессор-ўқитувчилар ҳамда амалиётчи мутахассислар томонидан пахтачилик ва галлачиликда илгор агротехнологиялар ҳамда инновациялар асосида олиб борилмоқда.

Шунингдек, Тошкент давлат аграр университети ва Мирзачўл инновацион қишлоқ хўжалиги Азамат мактаби ўртасида илмий, ўқув, техник ҳамда амалий ҳамкорлик қилиш бўйича келишув имзоланди. Мазкур келишув фермер хўжалиқлари ва агрокластерлар ўртасида билим ҳамда малака алмашинуви, замонавий агротехнологияларни жорий этиш, шу билан бирга, илмий-амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

## Данияда «Каштада тикилган маданий мерос» номли аънавий ўзбек каштачилигига бағишланган кўргазма бўлиб ўтмоқда.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 25 239 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гезахми ҳақидаги маълумотларни юқлиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 71-259-74-51; қотибхат 71-259-74-53;  
эвонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган қўлабмақал тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.

Гезахмининг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар.

Гезахми таҳририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Гезахмининг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уй.  
Набатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.  
Мусаҳҳих — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.23 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6